| **ОБЩИЕ УСЛОВИЯ**<br>**(Публичная оферта)** | **УМУМИЙ ШАРТЛАР**<br>**(Оммавий оферта)** |
| --- | --- |
| **ПРЕАМБУЛА**<br>В соответствии с требованиями ст.ст.367, 981, 982 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, нормами и требованиями действующего законодательства Республики Узбекистан, объявляется следующий Публичный договор (Публичная оферта, адресованная неограниченному кругу лиц). Настоящий публичный договор (далее – «Оферта» или «Договор») представляет собой официальное предложение ООО «INTERNATIONAL FOOD CHAIN» - далее именуемое «Общество» и (или) “Исполнитель”, устанавливающее существенные условия оказания услуг по изготовлению и реализации продукции общественного питания, адресованной Заказчику, - непосредственному Потребителю (-далее Пользователь и (или) Заказчик, и (или) Потребитель, и (или) Участник), в соответствии с условиями настоящей Оферты и требованиями действующего законодательства РУз. Общество и Пользователь для целей настоящего Договора далее совместно также могут именоваться «Стороны». В соответствии со статьей 367 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, данный документ является публичной Офертой и в случае принятия изложенных ниже условий, лицо, осуществившее Акцепт настоящей Оферты, становится Пользователем. В соответствии со статьей 370 Гражданского кодекса Республики Узбекистан Акцепт должен быть полным и безоговорочным. Совершение лицом, получившим оферту, в срок, установленный для ее акцепта, действий по выполнению указанных в ней условий договора, считается акцептом, если иное не предусмотрено законодательством или не указано в самой оферте. Общество и Пользователь предоставляют взаимные гарантии своей право- и дееспособности, необходимые для заключения и исполнения настоящего Договора. В связи с вышеизложенным, Пользователь подтверждает, что | **МУҚАДДИМА**<br>Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367, 981, 982-моддалари талаблари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормалари ва талабларига мувофиқ, қуйидаги Оммавий шартнома (Оммавий оферта, чексиз доирадаги шахсларга йўлланган таклиф) эълон қилинади. Мазкур оммавий шартнома (кейинги ўринларда — «Оферта» ёки «Шартнома») «INTERNATIONAL FOOD CHAIN» МЧЖ — кейинги ўринларда «Жамият» ва (ёки) «Ижрочи» деб аталадиган томонидан тақдим этилади ҳамда буюртмачи — бевосита Истеъмолчига (кейинги ўринларда — «Фойдаланувчи» ва (ёки) «Буюртмачи», ва (ёки) «Истеъмолчи», ва (ёки) «Иштирокчи») умумий овқатланиш маҳсулотларини тайёрлаш ва реализация қилиш бўйича хизматларни кўрсатишнинг муҳим шартларини белгилайди. Мазкур хизматлар ушбу Оферта шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ кўрсатилади. Жамият ва Фойдаланувчи мазкур Шартнома мақсадларида биргаликда «Томонлар» деб ҳам аталиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддасига мувофиқ, мазкур ҳужжат оммавий Оферта ҳисобланади ва қуйида баён этилган шартлар қабул қилинган тақдирда, мазкур Офертани Акцепт қилган шахс Фойдаланувчига айланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, Акцепт тўлиқ ва шартсиз бўлиши лозим. Офертани олган шахснинг Акцепт учун белгиланган муддатда унда кўрсатилган шартнома шартларини бажаришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириши, агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган ёки Офертанинг ўзида бошқача кўрсатилмаган бўлса, Акцепт ҳисобланади. Жамият ва Фойдаланувчи мазкур Шартномани тузиш ва бажариш учун зарур бўлган ўзларининг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга эканликларини ўзаро кафолатлайдилар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Фойдаланувчи мазкур Оферта- |

| | |
|---|---|
| внимательно прочитал текст настоящего Договора-оферты и, если Пользователь не согласен с каким-либо пунктом Договора-оферты, Пользователь может отказаться от использования услуг, предоставляемых Исполнителем. К отношениям между Сторонами применяются положения Гражданского кодекса Республики Узбекистан, Закона Республики Узбекистан «О защите прав потребителей», Закона Республики Узбекистан «Об электронной коммерции», а также «Правил производства и реализации продукции (услуг) общественного питания в Республике Узбекистан», и иные правовые акты. Исполнитель вправе изменить или дополнить настоящий Договор-оферты в любой момент, как с уведомлением Заказчика, так и без него (в зависимости от значимости изменений). Действующая редакция Договора-оферты всегда находится на сайте Исполнителя. Заказчик, ознакомившись с настоящим Договором-оферты, выражает свое согласие с всеми его условиями путем произведения Акцепта настоящего Договора-оферты. | Шартнома матни билан диққат билан танишиб чиққанлигини тасдиқлайди ва агар Фойдаланувчи Оферта-Шартноманинг бирор-бир бандига рози бўлмаса, Ижрочи томонидан тақдим этилаётган хизматлардан фойдаланишдан воз кечиши мумкин. Томонлар ўртасидаги муносабатларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш Қоидалари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланилади. Ижрочи мазкур Оферта-Шартномани исталган вақтда Буюртмачи билан олдиндан келишмасдан ўзгартириш ёки тўлдириш ҳуқуқига эга. Бунда ўзгартишларнинг аҳамиятига қараб Буюртмачига хабар берилиши ёки берилмаслиги мумкин. Оферта-Шартноманинг амалдаги таҳрири доимо Ижрочининг веб-сайтида жойлаштирилади. Буюртмачи мазкур Оферта-Шартнома билан танишиб, ушбу Оферта-Шартномани Акцепт қилиш орқали унинг барча шартларига ўз розилигини билдиради. |
| **ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ, ТЕРМИНЫ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ** | **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР, АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР** |
| 1.1. Оферта действует на территории Республики Узбекистан. | 1.1.Оферта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. |
| 1.2. В целях надлежащего толкования условий Договора-оферты нижеприведенные термины используются в следующем значении: | 1.2. Оферта-Шартнома шартларини лозим даражада талқин қилиш мақсадида қуйидаги атамалар қуйидаги маъноларда қўлланилади: |
| 1.2.1. Оферта – предложение о заключении сделки, адресованное одному или нескольким конкретным лицам предложение, в котором изложены существенные условия Договора-оферты. | 1.2.1. Оферта — битим тузиш ҳақидаги таклиф бўлиб, бир ёки бир нечта муайян шахсга йўлланган ҳамда Оферта-Шартноманинг муҳим шартларини ўз ичига олган таклиф. |
| 1.2.2. Акцепт – полное и безоговорочное принятие Оферты путем соблюдения Заказчиком условий, указанных в настоящем Договоре-оферты. Акцепт оферты означает ознакомление и согласие заказчика с условиями оферты. Акцепт может быть выражен в письменной форме, а также в виде действий, которые демонстрируют намерение заключить настоящий Договор-оферты. | 1.2.2. Акцепт — Буюртмачи томонидан мазкур Оферта-Шартномада кўрсатилган шартларга риоя қилиш орқали Офертани тўлиқ ва шартсиз қабул қилиш. Офертани Акцепт қилиш Буюртмачининг Оферта шартлари билан танишганлиги ва уларга розилигини англатади. Акцепт ёзма шаклда, шунингдек мазкур Оферта-Шартномани тузиш ниятини намоён этувчи ҳаракатлар шаклида амалга оширилиши мумкин. |

| | |
|---|---|
| 1.2.3. Заказчик (Пользователь, Потребитель) – любое физическое лицо, обладающее гражданской правоспособностью имеющее намерение заказать или заказывающее товар в сети ресторанов бренда «KFC», использующее услуги общественного питания исключительно для личных, семейных, домашних и иных нужд, не связанных с осуществлением предпринимательской или любой другой деятельности, направленной на извлечение прибыли. | 1.2.3. Буюртмачи (Фойдаланувчи, Истеъмолчи) — фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган, «KFC» бренди ресторанлари тармоғида товар буюртма қилиш ниятида бўлган ёки буюртма қилаётган, умумий овқатланиш хизматларидан фақат шахсий, оилавий, уй-рўзғор ва тадбиркорлик ёки фойда олишга қаратилган бошқа фаолият билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланадиган ҳар қандай жисмоний шахс. |
| 1.2.4. Исполнитель – ООО «INTERNATIONAL FOOD CHAIN». | 1.2.4. Ижрочи — «INTERNATIONAL FOOD CHAIN» МЧЖ. |
| 1.2.5. Товар – продукция в соответствии с ассортиментом, предлагаемая Исполнителем. | 1.2.5. Товар — Ижрочи томонидан таклиф этиладиган ассортиментга мувофиқ маҳсулотлар. |
| 1.2.6. Заказ – отдельные позиции (позиция) из ассортиментного перечня Товаров, выбранные и заказанные Заказчиком; | 1.2.6 Буюртма — Буюртмачи томонидан танланган ва буюртма қилинган Товарларнинг ассортимент рўйхатидан алоҳида позициялар (позиция). |
| **2. ПРЕДМЕТ ДОГОВОРА** | **2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ** |
| 2.1. Предметом настоящей публичной оферты является предоставление Заказчику платных услуг Исполнителем в соответствии с условиями настоящей публичной оферты и приложениями к данному договору публичной оферты. | 2.1. Мазкур оммавий Офертанинг предмети Ижрочи томонидан Буюртмачига мазкур оммавий Оферта шартлари ва ушбу оммавий Оферта шартномасига илова қилинган ҳужжатларга мувофиқ ҳақ эвазига хизматлар кўрсатишдан иборат. |
| 2.2. Акция предусмотрена для неограниченного круга лиц. | 2.2. Акция чексиз доирадаги шахслар учун мўлжалланган. |
| 2.3. Исполнитель имеет право изменять условия данной публичной оферты, без предварительного согласования с Заказчиком, обеспечивая при этом публикацию изменений в общедоступном для ознакомления месте. | 2.3. Ижрочи мазкур оммавий Оферта шартларини Буюртмачи билан олдиндан келишмасдан ўзгартириш ҳуқуқига эга, бунда ўзгартишлар оммага очиқ ва танишиш имкони мавжуд бўлган жойда эълон қилинишини таъминлайди. |
| 2.4. Цели Программы: привлечение и удержание гостей, увеличение частоты визитов, повышение лояльности гостей, развитие собственного канала доставки. | 2.4. Дастурнинг мақсадлари: меҳмонларни жалб қилиш ва уларни сақлаб қолиш, ташрифлар частотасини ошириш, меҳмонларнинг содиқлигини ошириш, ўзининг етказиб бериш каналини ривожлантириш. |
| **3. АКЦЕПТ ОФЕРТЫ** | **3. ОФЕРТАНИ АКЦЕПТ ҚИЛИШ** |
| 3.1. Срок для совершения акцепта оферты Заказчиком является неограниченным. | 3.1. Буюртмачи томонидан Офертани Акцепт қилиш муддати чекланмаган. |
| 3.2. Акцепт оферты также предполагает чек на приобретение товаров, в соответствии с условиями Гражданского кодекса Республики Узбекистан, а также нормами действующего законодательства РУз. | 3.2. Офертани Акцепт қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига мувофиқ товарларни харид қилиш чекини ҳам назарда тутади. |

| 4. УСЛОВИЯ УЧАСТИЯ В ПРОГРАММЕ ЛОЯЛЬНОСТИ «KFC CLUB» | 4. «KFC CLUB» САДОҚАТ ДАСТУРИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ |
|---|---|
| 4.1. Участником Программы лояльности «KFC Club» (далее – «Программа») становится физическое лицо, установившее мобильное приложение «KFC» и прошедшее регистрацию с указанием номера мобильного телефона. Номер мобильного телефона является уникальным идентификатором бонусного счёта Участника. Один Участник вправе иметь только один бонусный счёт. | 4.1. «KFC Club» садоқат дастури (кейинги ўринларда — «Дастур») иштирокчиси «KFC» мобил иловасини ўрнатган ва мобил телефон рақамини кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтган жисмоний шахс ҳисобланади. Мобил телефон рақами Иштирокчининг бонус ҳисоб рақамининг ягона идентификатори ҳисобланади. Бир Иштирокчи фақат битта бонус ҳисоб рақамига эга бўлиши мумкин. |
| 4.2. Начисление баллов. За каждые 1 000 (одну тысячу) сум в сумме оплаченного заказа Участнику начисляется 1 (один) балл. Начисление производится на сумму, фактически оплаченную Участником денежными средствами, в том числе по заказам, оформленным с применением купонов и специальных предложений Исполнителя. | 4.2. Балларни ҳисоблаш. Тўланган буюртманинг ҳар 1 000 (бир минг) сўми учун Иштирокчига 1 (бир) балл ҳисобланади. Баллар Иштирокчи томонидан пул маблағлари билан амалда тўланган суммага, шу жумладан Ижрочининг купонлари ва махсус таклифлари қўлланилган ҳолда расмийлаштирилган буюртмаларга ҳисобланади. |
| 4.3. Баллы начисляются исключительно по заказам, оформленным Участником в мобильном приложении «KFC», включая заказы с доставкой, самовывозом (Click & Collect) и предварительные заказы. Баллы не начисляются по заказам, оформленным через Call-центр, чат-боты в мессенджерах, а также через сторонние сервисы доставки (агрегаторы). Участник может предоставить на кассу в зале QR-код из приложения «KFC» для получения подарков или накопления баллов. | 4.3. Баллар фақат Иштирокчи томонидан «KFC» мобил иловасида расмийлаштирилган буюртмалар учун, шу жумладан етказиб бериш, ўзи олиб кетиш (Click & Collect) ва олдиндан берилган буюртмалар учун ҳисобланади. Call-марказ, мессенжерлардаги чат-ботлар, шунингдек, учинчи томон етказиб бериш хизматлари (агрегаторлар) орқали расмийлаштирилган буюртмалар учун баллар ҳисобланмайди. Иштирокчи совғаларни олиш ёки балл тўплаш учун «KFC» мобил иловасидаги QR-кодни залдаги кассада тақдим этиши мумкин. |
| 4.4. Баллы зачисляются на бонусный счёт, закреплённый за номером мобильного телефона, указанным Участником при регистрации в мобильном приложении. Начисление производится после подтверждения исполнения заказа. | 4.4. Баллар Иштирокчи мобил иловага рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатган мобил телефон рақамига бириктирилган бонус ҳисоб рақамига киритилади. Баллар буюртманинг бажарилганлиги тасдиқланганидан сўнг ҳисобланади. |
| 4.4.1. Баллы не начисляются на стоимость услуги доставки, на стоимость товаров, полученных Участником в качестве подарка за баллы, а также на сумму, оплаченную ранее начисленными баллами. | 4.4.1. Баллар етказиб бериш хизмати қийматига, Иштирокчи томонидан баллар эвазига совға сифатида олинган товарлар қийматига, шунингдек, аввал ҳисобланган баллар билан тўланган суммага ҳисобланмайди. |
| 4.5. Баллы не являются денежными средствами, не имеют номинальной стоимости в сумах, не подлежат обмену на денежные средства, передаче третьим | 4.5. Баллар пул маблағлари ҳисобланмайди, сўмда номинал қийматга эга эмас, пул маблағларига алмаштирилмайди, учинчи шахсларга берилмайди, ҳисоб рақамлари |

| | |
|---|---|
| лицам, объединению счетов и наследованию. Баллы принадлежат Исполнителю и могут быть заблокированы либо аннулированы в одностороннем порядке при выявлении признаков недобросовестного использования Программы. | бирлаштирилмайди ва мерос қилиб қолдирилмайди. Баллар Ижрочига тегишли бўлиб, Дастурдан инсофсиз фойдаланиш белгилари аниқланган тақдирда бир томонлама тартибда блокланиши ёки бекор қилиниши мумкин. |
| 4.6. Срок действия баллов. Баллы действуют в течение 12 (двенадцати) календарных месяцев с даты их начисления. По истечении указанного срока неиспользованные баллы аннулируются без предоставления какой-либо компенсации. Аннулирование производится в порядке очерёдности начисления: ранее начисленные баллы списываются первыми. | 4.6. Балларнинг амал қилиш муддати. Баллар улар ҳисобланган санадан бошлаб 12 (ўн икки) календарь ой давомида амал қилади. Кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг фойдаланилмаган баллар ҳеч қандай компенсация берилмаган ҳолда бекор қилинади. Балларни бекор қилиш уларнинг ҳисобланган навбати бўйича амалга оширилади: аввал ҳисобланган баллар биринчи бўлиб ечиб олинади. |
| 4.7. Приветственный подарок. Участнику, впервые зарегистрировавшемуся в Программе, предоставляется приветственный подарок – 3 (три) острых крыла – при условии оформления заказа на сумму не менее 60 000 (шестидесяти тысяч) сум. Приветственный подарок предоставляется однократно на одного Участника (один номер мобильного телефона) при первом заказе. | 4.7. Хуш келиб олиш совғаси. Дастурда биринчи марта рўйхатдан ўтган Иштирокчига 60 000 (олтмиш минг) сўмдан кам бўлмаган суммага буюртма расмийлаштириш шарти билан хуш келиб олиш совғаси — 3 (уч) дона аччиқ қанотча тақдим этилади. Хуш келиш совғаси ҳар бир Иштирокчига (битта мобил телефон рақамига) бир марта тақдим этилади биринчи буюртмасида. |
| 4.8. Приветственный подарок активируется Участником самостоятельно в мобильном приложении и доступен к получению в течение 7 (семи) календарных дней с момента активации. По истечении указанного срока приветственный подарок аннулируется, исключается из мобильного приложения Участника и повторному предоставлению не подлежит. | 4.8. Хуш келиш совғаси Иштирокчининг ўзи томонидан мобил иловада фаоллаштирилади ва фаоллаштирилган пайтдан бошлаб 7 (етти) календарь кун давомида олиш учун мавжуд бўлади. Кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг хуш келиб олиш совғаси бекор қилинади, Иштирокчининг мобил иловасидан чиқариб ташланади ва қайта тақдим этилмайди. |
| 4.9. Списание баллов. Участник вправе обменять накопленные баллы на подарки из каталога, размещённого в мобильном приложении. Выбор подарка осуществляется Участником в мобильном приложении при оформлении заказа. Списание баллов производится в момент подтверждения заказа. Количество подарков, получаемых в рамках одного заказа, не ограничено при наличии у Участника достаточного количества баллов. В рамках одного заказа может быть получено не более одной единицы каждого наименования подарка. | 4.9. Балларни ечиб олиш. Иштирокчи тўпланган балларни мобил иловада жойлаштирилган каталогдан совғаларга алмаштириш ҳуқуқига эга. Совғани танлаш Иштирокчи томонидан буюртмани расмийлаштириш вақтида мобил иловада амалга оширилади. Баллар буюртма тасдиқланган пайтда ечиб олинади. Бир буюртма доирасида олинадиган совғалар сони Иштирокчида етарли миқдорда баллар мавжуд бўлган тақдирда чекланмайди. Бир буюртма доирасида ҳар бир номдаги совғанинг бир бирлигидан ортиқ олиш мумкин эмас. |

| | |
|---|---|
| 4.9.1. Обмен баллов на подарки доступен исключительно при оформлении заказа в мобильном приложении. Обмен баллов при оформлении заказа через Call-центр, чат-боты в мессенджерах и сторонние сервисы доставки не производится. | 4.9.1. Балларни совғаларга алмаштириш фақат мобил иловада буюртма расмийлаштириш вақтида амалга оширилади. Call-марказ, мессенжерлардаги чат-ботлар ва учинчи томон етказиб бериш хизматлари орқали буюртма расмийлаштирилганда балларни алмаштириш амалга оширилмайди. |
| 4.9.2. При получении заказа в ресторане Участник предъявляет код заказа, сформированный в мобильном приложении. Подарок выдаётся вместе с оплаченной частью заказа. | 4.9.2. Буюртмани ресторанда олиш вақтида Иштирокчи мобил иловада шакллантирилган буюртма кодини тақдим этади. Совға буюртманинг тўланган қисми билан бирга берилади. |
| 4.9.3. В случае неполучения Участником оформленного заказа списанные баллы возврату не подлежат, если иное не установлено пунктом 4.13 настоящей Оферты. | 4.9.3. Иштирокчи томонидан расмийлаштирилган буюртма олинмаган тақдирда, 4.13-бандда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ечиб олинган баллар қайтарилмайди. |
| 4.10. Обмен баллов на подарки возможен при условии оплаты Участником части заказа денежными средствами в размере не менее: 10 000 (десяти тысяч) сум – при обслуживании в зале ресторана, при самовывозе и при заказе навынос; 50 000 (пятьдесят тысяч) сум – при оформлении заказа с доставкой. Стоимость подарков, полученных за баллы, в указанную сумму не включается. | 4.10. Балларни совғаларга алмаштириш Иштирокчи буюртманинг бир қисмини қуйидаги миқдордан кам бўлмаган суммада пул маблағлари билан тўлаган тақдирда амалга оширилади: ресторан залида хизмат кўрсатишда, ўзи бил олиб кетишда ва олиб кетиш учун буюртма беришда — 10 000 (ўн минг) сўм; етказиб бериш билан буюртма расмийлаштирилганда — 50 000 (эллик минг) сўм. Баллар эвазига олинган совғалар қиймати мазкур суммага киритилмайди. |
| 4.11. Перечень подарков и количество баллов, необходимое для получения каждого подарка, размещаются в мобильном приложении и являются неотъемлемой частью настоящей Оферты. Исполнитель вправе в одностороннем порядке изменять состав каталога подарков и количество баллов, необходимое для их получения, с публикацией изменений в мобильном приложении. | 4.11. Совғалар рўйхати ва ҳар бир совғани олиш учун зарур бўлган баллар миқдори мобил иловада жойлаштирилади ва мазкур Офертаning ажралмас қисми ҳисобланади. Ижрочи совғалар каталогининг таркибини ва уларни олиш учун зарур бўлган баллар миқдорини мобил иловада ўзгартишларни эълон қилган ҳолда бир томонлама тартибда ўзгартириш ҳуқуқига эга. |
| 4.12. Купоны. Исполнитель вправе предоставлять Участникам купоны – специальные предложения на приобретение наборов товаров по фиксированной цене. Срок действия, условия и порядок применения каждого купона указываются в мобильном приложении. Одновременное применение купона и обмена баллов на подарки в рамках одного заказа допускается. Количество купонов в рамках одного заказа Участником не ограничено. | 4.12. Купонлар. Ижрочи Иштирокчиларга купонлар — товарлар тўпламини белгиланган нархда харид қилиш учун махсус таклифларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир купоннинг амал қилиш муддати, шартлари ва қўллаш тартиби мобил иловада кўрсатилади. Бир буюртма доирасида купондан фойдаланиш ва балларни совғаларга алмаштиришни бир вақтда амалга оширишга қўйилади. Бир буюртма доирасида купондан фойдаланиш ва |

| | |
|---|---|
| | балларни совғаларга алмаштиришни бир вақтда амалга оширишга қўйилади. |
| 4.13. Возврат заказа. При возврате Участником оплаченного заказа баллы, начисленные за такой заказ, аннулируются. Баллы, списанные в счёт полученного подарка, восстановлению не подлежат, если подарок был передан Участнику. | 4.13. Буюртмани қайтариш. Иштирокчи томонидан тўланган буюртма қайтарилган тақдирда, ушбу буюртма учун ҳисобланган баллар бекор қилинади. Олинган совға учун ечиб олинган баллар, агар совға Иштирокчига берилган бўлса, қайта тикланмайди. |
| 4.14. Прекращение участия. Участник вправе в любой момент отказаться от участия в Программе путём направления соответствующего заявления Исполнителю либо удаления учётной записи в мобильном приложении. При прекращении участия накопленные баллы аннулируются без предоставления компенсации. | 4.14. Иштирокни тугатиш. Иштирокчи исталган вақтда Ижрочига тегишли ариза юбориш ёки мобил иловадаги ҳисоб қайдномасини ўчириш орқали Дастурда иштирок этишдан воз кечиши мумкин. Иштирок тугатилганда тўпланган баллар ҳеч қандай компенсация берилмаган ҳолда бекор қилинади. |
| 4.15. Исполнитель вправе приостановить либо прекратить действие Программы в одностороннем порядке, уведомив Участников не менее чем за 30 (тридцать) календарных дней до даты прекращения путём публикации соответствующего сообщения в мобильном приложении. Баллы, не использованные Участниками до указанной даты, аннулируются. | 4.15. Ижрочи Дастур амал қилишини бир томонлама тартибда тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳуқуқига эга. Бунда Иштирокчиларни Дастур тугатиладиган санадан камида 30 (ўттиз) календарь кун олдин мобил иловада тегишли хабарни эълон қилиш орқали хабардор қилиши лозим. Иштирокчилар томонидан кўрсатилган санага қадар фойдаланилмаган баллар бекор қилинади. |
| 4.16. Участник обязан обеспечивать сохранность доступа к номеру телефона и устройству. Все действия, совершённые после успешной авторизации, считаются совершёнными Участником. | 4.16. Иштирокчи телефон рақами ва қурилмага кириш имконияти хавфсизлигини таъминлаши шарт. Муваффақиятли авторизациядан сўнг амалга оширилган барча ҳаракатлар Иштирокчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади. |
| **5. ПОРЯДОК РАСЧЕТОВ** | **5. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ** |
| 5.1. Стоимость услуг по настоящему Договору-оферту определяется в меню Исполнителя на основании цен, действующих в ресторане в день оказания услуг. Окончательная сумма услуг указывается в счете на оплату, предоставленном Исполнителем Заказчику. | 5.1. Мазкур Оферта-Шартнома бўйича хизматлар қиймати Ижрочининг менюсида кўрсатиладиган, хизматлар кўрсатилган кунда ресторанда амал қилаётган нархлар асосида белгиланади. Хизматларнинг якуний суммаси Ижрочи томонидан Буюртмачига тақдим этилган тўлов ҳисобида кўрсатилади. |
| 5.2. По общему правилу, в счет включаются блюда и напитки, заказанные каждым Заказчиком, сидящим за одним столом. О необходимости выставления индивидуальных счетов Заказчики обязаны предупредить официанта в момент заказа. | 5.2. Умумий қоидага кўра, бир стол атрофида ўтирган ҳар бир Буюртмачи томонидан буюртма қилинган таомлар ва ичимликлар ягона ҳисобга киритилади. Алоҳида ҳисоб тақдим этилиши зарурлиги ҳақида Буюртмачилар буюртма бериш вақтида официантни огоҳлантиришлари шарт. |

| | |
|---|---|
| 5.3. В случае если Заказчик хочет покинуть территорию ресторана (для разговора по телефону, курения и т.д.) он обязан произвести оплату заказа, согласно счету.<br>5.4. Способами оплаты услуг являются следующее: Наличными денежными средствами (в национальной валюте сум); Банковской платежной картой; Посредством платежных систем PayMe, Click.<br>5.5. При этом Исполнитель не несет ответственность за невозможность принятия оплаты через платежные терминалы банковских карт и либо посредством платежных систем PayMe, Click, в связи с техническими неполадками или проведением профилактических работ указанными в настоящем пункте операторами платежных систем (в том числе и средств оплаты в виде банковских карт) или задействованных ими систем телекоммуникаций.<br>5.6. Исполнитель вправе без предварительного уведомления приостановить начисление баллов, заблокировать бонусный счёт, аннулировать баллы либо прекратить участие Участника в Программе при выявлении признаков мошенничества, злоупотребления, предоставления недостоверных данных, использования автоматизированных средств либо иных действий, направленных на получение преимуществ в обход условий Программы.<br>**6. ПЕРСОНАЛЬНЫЕ ДАННЫЕ**<br>6.1. Принимая условия настоящей Оферты, Заказчик Пользователь выражает согласие и разрешает в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О персональных данных» обрабатывать свои персональные данные, в том числе фамилию, имя, отчество, дату рождения, пол, финансовые данные, адрес; домашний, рабочий, мобильный телефоны, адрес электронной почты, включая сбор, систематизацию, накопление, хранение, уточнение (обновление, изменение) для | 5.3. Буюртмачи ресторан ҳудудини тарк этмоқчи бўлган тақдирда (телефонда гаплашиш, чекиш ва бошқа мақсадларда), у ҳисобга мувофиқ буюртма учун тўловни амалга ошириши шарт.<br>5.4. Хизматлар учун тўлов қуйидаги усулларда амалга оширилади: — нақд пул маблағлари билан (миллий валюта — сўмда); — банк тўлов картаси орқали; — PayMe, Click тўлов тизимлари орқали.<br>5.5. Бунда Ижрочи мазкур бандда кўрсатилган тўлов тизимлари операторлари (шу жумладан, банк карталари кўринишидаги тўлов воситалари) ёки улар томонидан жалб қилинган телекоммуникация тизимларидаги техник носозликлар ёки профилактика ишлари олиб борилиши муносабати билан банк карталари учун тўлов терминаллари ва (ёки) PayMe, Click тўлов тизимлари орқали тўловни қабул қилиш имкони бўлмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.<br>5.6. Ижрочи фирибгарлик, суиистеъмол қилиш, ишончсиз маълумотларни тақдим этиш, автоматлаштирилган воситалардан фойдаланиш ёки Дастур шартларини четлаб ўтиб, имтиёзларга эга бўлишга қаратилган бошқа ҳаракатлар белгилари аниқланган тақдирда, олдиндан хабардор қилмасдан балларни ҳисоблашни тўхтатиб туриш, бонус ҳисоб рақамини блоклаш, балларни бекор қилиш ёки Иштирокчининг Дастурдаги иштирокини тугатиш ҳуқуқига эга.<br>**6. ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**<br>6.1. Мазкур Оферта шартларини қабул қилган ҳолда, Буюртмачи (Фойдаланувчи) Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўзининг шахсга доир маълумотларини, шу жумладан фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси, молиявий маълумотлари, манзили, уй, иш ва мобил телефон рақамлари, электрон почта манзилини қайта ишлашга розилик беради ва рухсат этади.<br>Бундай қайта ишлаш мазкур маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, жамлаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш) ва |

| | |
|---|---|
| использования в рамках собственной системы работы. | Ижрочининг ўз иш тизими доирасида фойдаланишни ўз ичига олади. |
| 6.2. Заказчик разрешает передавать эти данные государственным органам на основании их правомерных требований. Передавать только обезличенные данные и только на территории Республики Узбекистан контрагентам с целью дальнейшей обработки (включая сбор, систематизацию, накопление, хранение, уточнение (обновление, изменение), использование) для проведения исследований, направленных на улучшение качества услуг, для проведения маркетинговых программ, статистических исследований, а также для продвижения услуг на рынке путем осуществления прямых контактов с помощью различных средств связи, включая, но, не ограничиваясь почтовая рассылка, электронная почта, телефон, факсимильная связь, сеть Интернет, SMS и Push-уведомления. | 6.2. Буюртмачи мазкур маълумотларни давлат органларига уларнинг қонуний талаблари асосида тақдим этишга рухсат беради. Маълумотлар фақат шахссизлантирилган ҳолда ва фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида контрагентларга кейинчалик қайта ишлаш мақсадида (шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, жамлаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш) ва фойдаланиш учун) қуйидаги мақсадларда тақдим этилиши мумкин: — хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш; — маркетинг дастурларини амалга ошириш; — статистик тадқиқотларни ўтказиш; — бозорда хизматларни илгари суриш. Хизматларни бозорда илгари суриш турли алоқа воситалари, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, почта жўнатмалари, электрон почта, телефон, факсимил алоқа, Интернет тармоғи, SMS ва Push-хабарномалар орқали тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. |
| 6.3. Заказчик выражает согласие и разрешает обрабатывать свои персональные данные с помощью автоматизированных систем управления базами данных, а также иных программных средств. Работа с такими системами осуществляется по предписанному алгоритму (сбор, систематизация, накопление, хранение, уточнение, использование, блокирование, уничтожение). Используемые способы обработки (включая, но, не ограничиваясь) автоматическая сверка почтовых кодов с базой кодов, автоматическая проверка написания названий улиц населенных пунктов, уточнение данных путем телефонной, почтовой связи или с помощью контакта через сеть Интернет, сегментация базы по заданным критериям. | 6.3. Буюртмачи ўзининг шахсга доир маълумотларини маълумотлар базаларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, бошқа дастурий воситалар ёрдамида қайта ишлашга розилик беради ва рухсат этади. Бундай тизимлар билан ишлаш белгиланган алгоритм асосида амалга оширилади, жумладан: йиғиш, тизимлаштириш, жамлаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, блоклаш ва йўқ қилиш. Фойдаланиладиган қайта ишлаш усуллари жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, почта индексларини индекслар базаси билан автоматик солиштириш, аҳоли пунктлари ва кўча номларининг ёзилишини автоматик текшириш, телефон, почта алоқаси ёки Интернет тармоғи орқали алоқа ўрнатиш воситасида маълумотларни аниқлаштириш, шунингдек, белгиланган мезонлар бўйича маълумотлар базасини сегментлашни ўз ичига олади. |
| 6.4. Заказчик соглашается с тем, что, если это необходимо для реализации целей, указанных в настоящих Общих условиях, | 6.4. Буюртмачи мазкур Умумий шартларда кўрсатилган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган тақдирда, унинг шахсга |

| | |
|---|---|
| его персональные данные, могут быть переданы третьим лицам, на основании договора, заключенного с такими лицами, при условии соблюдения требований законодательства Республики Узбекистан об обеспечении такими третьими лицами конфиденциальности персональных данных и безопасности персональных данных при их обработке.<br><br>6.5. Предоставленное согласие на обработку персональных данных действует до достижения целей ее обработки и может быть отозвано посредством направления письменного заявления на юридический адрес ООО «INTERNATIONAL FOOD CHAIN» по адресу Республика Узбекистан, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Тараса Шевченко 21, 100060.<br>6.6. Потребитель соглашается с использованием Исполнителем системы видеонаблюдения в целях обеспечения безопасности, контроля качества обслуживания и предупреждения противоправных деяний, а также в целях собственной безопасности.<br>6.7. Исполнитель хранит персональные данные Потребителя в течение одного года с момента достижения целей, определенных настоящим Договором-оферты.<br>**7. ФОРС – МАЖОР**<br>7.1. Стороны освобождаются от ответственности за неисполнение или ненадлежащее исполнение обязательств по настоящему Договору-оферте на время действия непреодолимой силы.<br><br>7.2. Под непреодолимой силой понимаются чрезвычайные и непреодолимые обстоятельства, препятствующие исполнению своих обязательств сторонами по настоящему Договору-оферты. К ним относятся стихийные явления; военные действий, мероприятий военного характера; массовых беспорядков, эпидемий (карантин), эпизоотий, метеоусловий, террористических действий, забастовок, изъятия, конфискации, реквизиции, национализации и т.п. | доир маълумотлари бундай шахслар билан тузилган шартнома асосида учинчи шахсларга берилиши мумкинлигига розилик беради.<br>Бунда учинчи шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва уларни қайта ишлашда хавфсизлигини таъминлаш талабларига риоя қилиниши шарт.<br>6.5. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлашга берилган розилик уларни қайта ишлаш мақсадларига эришилгунга қадар амал қилади ва «INTERNATIONAL FOOD CHAIN» МЧЖнинг юридик манзилига ёзма ариза юбориш орқали чақириб олиниши мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирабод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уй, 100060.<br><br>6.6. Истеъмолчи Ижрочи томонидан хавфсизликни таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида видеокузатув тизимидан фойдаланилишига розилик беради.<br>6.7. Ижрочи Истеъмолчининг шахсга доир маълумотларини мазкур Оферта-Шартномада белгиланган мақсадларга эришилган пайтдан бошлаб бир йил давомида сақлайди.<br>**7. ФОРС-МАЖОР**<br>7.1. Томонлар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган даврда мазкур Оферта-Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинадилар.<br>7.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари деганда Томонларнинг мазкур Оферта-Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар тушунилади.<br>Бундай ҳолатларга табиий офатлар; ҳарбий ҳаракатлар, ҳарбий тусдаги тадбирлар; оммавий тартибсизликлар, эпидемиялар (карантин), эпизоотиялар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар, мол-мулкни олиб қўйиш, мусодара қилиш, реквизиция қилиш, |

| | |
|---|---|
| | миллийлаштириш ва бошқа шу каби ҳолатлар киради. |
| 7.3. При этом общеизвестные события не нуждаются в каком-либо подтверждении, в отношении остальных событий необходимо приложение соответствующих подтверждающих документов, которыми могут являться, включая, но, не ограничиваясь, документы, исходящие от компетентных государственных органов. | 7.3. Бунда умумга маълум бўлган воқеалар қандайдир тасдиқни талаб қилмайди. Қолган ҳолатларга нисбатан тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши зарур. Бундай ҳужжатларга, жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, ваколатли давлат органлари томонидан берилган ҳужжатлар кириши мумкин. |
| **8. ГАРАНТИИ, ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И РАЗРЕШЕНИЕ СПОРОВ** | **8. КАФОЛАТЛАР, ЖАВОБГАРЛИК ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ** |
| 8.1. Исполнитель гарантирует, что товары, представленные в меню, надлежащего качества, соответствует основным требованиям законодательства, применяемым в отношении них. | 8.1. Ижрочи менюда тақдим этилган Товарларнинг тегишли сифатга эга эканлигини ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган қонунчиликнинг асосий талабларига мувофиқлигини кафолатлайди. |
| 8.2. Исполнитель не несет ответственности за ущерб, который может быть причинен Заказчику вследствие ненадлежащего использования Товара Заказчиком. | 8.2. Ижрочи Товардан Буюртмачи томонидан лозим даражада фойдаланилмаганлиги натижасида Буюртмачига етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгар бўлмайди. |
| 8.3. Исполнитель вправе переуступать либо каким-либо иным способом передавать свои права и обязанности, вытекающие из его отношений с Заказчиком, третьим лицам по своему усмотрению. | 8.3. Ижрочи Буюртмачи билан муносабатларидан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз хоҳишига кўра учинчи шахсларга ўтказиш ёки бошқа ҳар қандай усулда топшириш ҳуқуқига эга. |
| 8.4. В состав Товаров могут быть включены ингредиенты, вызывающие аллергические реакции и индивидуальную непереносимость. При заказе Товара Заказчик обязан сообщить об аллергии на пищевые ингредиенты при ее наличии, в противном случае Исполнитель не несет ответственности за причиненный Заказчику ущерб. | 8.4. Товарлар таркибига аллергик реакциялар ва индивидуал ўзлаштира олмаслик ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган ингредиентлар киритилиши мумкин. Товарга буюртма бериш вақтида Буюртмачи мавжуд бўлган тақдирда озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибий қисмларига нисбатан аллергияси борлиги ҳақида хабар бериши шарт. Акс ҳолда, Ижрочи Буюртмачига етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди. |
| 8.5. Исполнитель не отвечает за последствия употребления его Товара, когда Заказчик, заказывая Товар Исполнителя для употребления лично либо для третьих лиц, берет на себя ответственность и понимает, возможные последствия для него или для третьих лиц в зависимости от личных особенностей организма либо имеющихся у него у них противопоказаний (индивидуальной непереносимости некоторых продуктов, | 8.5. Буюртмачи Ижрочининг Товарини шахсан истеъмол қилиш ёки учинчи шахслар истеъмоли учун буюртма қилганда, организмнинг шахсий хусусиятлари ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахсларнинг мавжуд қарши кўрсатмаларига (айрим маҳсулотларни индивидуал ўзлаштира олмаслик, сурункали касалликлар, аллергик реакциялар ва ҳ.к.) боғлиқ равишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни англаган ҳолда жавобгарликни ўз зиммасига |

| | |
|---|---|
| хронических болезней, аллергических реакций и т.п.). | олса, Ижрочи Товарни истеъмол қилиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди. |
| 8.6. За неисполнение или ненадлежащее исполнение Общих условий настоящей Оферты, Стороны несут ответственность в соответствии с настоящими Общими Условиями, Гражданским кодексом РУз, Законом РУз “О договорно – правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов” и действующим законодательством Республики Узбекистан о Защите прав потребителей. | 8.6. Мазкур Офертанинг Умумий шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун Томонлар мазкур Умумий шартларга, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар. |
| 8.7. Сторона, не исполнившая или ненадлежащим образом исполнившая обязательства по Сделке, обязана возместить другой стороне причиненные таким неисполнением убытки в соответствии с настоящими Общими условиями и действующим законодательством Республики Узбекистан. | 8.7. Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган Томон бундай бажармаслик натижасида бошқа Томонга етказилган зарарни мазкур Умумий шартлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қоплаши шарт. |
| 8.8. Вся текстовая информация и графические изображения, размещенные на вебсайте, имеют законного правообладателя, незаконное использование указанной информации и изображений преследуется в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан. | 8.8. Веб-сайтда жойлаштирилган барча матний маълумотлар ва график тасвирларнинг қонуний ҳуқуқ эгаси мавжуд. Кўрсатилган маълумотлар ва тасвирлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. |
| 8.9. Исполнитель не несет ответственности за какие-либо косвенные непрямые убытки или упущенную выгоду в результате участия в Оферте. Исполнитель не отвечает за неисправности, ошибки и сбои в работе сайта, а также за временное отсутствие у Заказчика доступа к сайту. | 8.9. Ижрочи Офертада иштирок этиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай билвосита зарарлар ёки бой берилган фойда учун жавобгар бўлмайди. Ижрочи веб-сайтдаги носозликлар, хатолар ва техник узилишлар, шунингдек, Буюртмачининг веб-сайтга кириш имконияти вақтинча мавжуд бўлмаганлиги учун жавобгар бўлмайди. |
| 8.10. Исполнитель не несёт ответственности за временную невозможность начисления или списания баллов вследствие технических сбоев информационных систем. После устранения сбоя Исполнитель вправе произвести корректировку бонусного счёта. Ответственность Исполнителя по обязательствам, связанным с Программой, ограничивается восстановлением неправомерно списанных баллов либо | 8.10. Ижрочи ахборот тизимларидаги техник носозликлар сабабли балларни вақтинча ҳисоблаш ёки ечиб олиш имкони бўлмаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Носозлик бартараф этилганидан сўнг Ижрочи бонус ҳисоб рақамига тегишли тузатишлар киритиш ҳуқуқига эга. Ижрочининг Дастур билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги қонунга хилоф равишда ечиб олинган балларни |

| | |
|---|---|
| предоставлением соответствующего подарка.<br>8.11. Все споры, связанные с неисполнением, или ненадлежащим исполнением своих обязательств по сделке и настоящим Общим условиям Стороны будут стараться решить в ходе переговоров и направления претензий. Срок рассмотрения претензии составляет 30 (тридцать) календарных дней с даты направления претензии в адрес получателя претензии.<br>8.12. В случае недостижения согласия в ходе переговоров и при соблюдении претензионного порядка, споры будут разрешаться в судебном порядке в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан по месту нахождения Исполнителя (договорная подсудность). | тиклаш ёки тегишли совғани тақдим этиш билан чекланади.<br>8.11. Битим ва мазкур Умумий шартлар бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ барча низоларни Томонлар музокаралар олиб бориш ва претензиялар юбориш йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Претензияни кўриб чиқиш муддати претензия олувчи томонга юборилган санадан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кунни ташкил этади.<br>8.12. Музокаралар давомида келишувга эришилмаган ва претензия билдириш тартибига риоя қилинган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд тартибида, Ижрочининг жойлашган жойи бўйича ҳал қилинади (шартномавий судловга тегишлилик). |
| **9. СРОК ДЕЙСТВИЯ ОФЕРТЫ, ИЗМЕНЕНИЯ И ДОПОЛНЕНИЯ К УСЛОВИЯМ** | **9. ОФЕРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТЛАРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ** |
| 9.1. Настоящие условия Публичной оферты вступают в силу с момента акцепта оферты со стороны Заказчика и заканчиваются при полном исполнении обязательств Сторонами.<br>9.2. Срок действия настоящей Оферты не ограничен.<br>9.3. Условия Публичной оферты могут быть изменены в одностороннем порядке со стороны Исполнителя. Уведомление об изменении условий Публичной оферты публикуются на официальном веб сайте Исполнителя и вступают в силу со дня опубликования. | 9.1. Мазкур Оммавий оферта шартлари Буюртмачи томонидан Оферта Акцепт қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.<br>9.2. Мазкур Офертанинг амал қилиш муддати чекланмаган.<br>9.3. Оммавий оферта шартлари Ижрочи томонидан бир томонлама тартибда ўзгартирилиши мумкин. Оммавий оферта шартларига киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги хабар Ижрочининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. |
| **10. ОСОБЫЕ ОГОВОРКИ ПО ПРИЛОЖЕНИЯМ** | **10. ИЛОВАЛАР БЎЙИЧА АЛОҲИДА ШАРТЛАР** |
| 10.1. Исполнитель не несет ответственности за ненадлежащее ознакомление Заказчика с Правилами, указанными в настоящей Публичной оферте.<br>10.2. Исполнитель оставляет за собой право изменять условия приложений к Публичной оферте в одностороннем порядке. Уведомления об изменениях публикуются на официальном сайте. | 10.1. Ижрочи Буюртмачининг мазкур Оммавий офертада кўрсатилган Қоидалар билан лозим даражада танишмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.<br>10.2. Ижрочи Оммавий офертага иловаларнинг шартларини бир томонлама тартибда ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Ўзгартишлар тўғрисидаги хабарлар расмий веб-сайтда эълон қилинади. |

| 11. ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫЕ УСЛОВИЯ | 11. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР |
|---|---|
| 11.1. Разделы вебсайта разъясняющие правила и условия, на которые имеются ссылки в настоящих Общих условиях и другие разделы вебсайта являются неотъемлемой частью настоящих Общих условий.<br>11.2. Текст настоящих Общих условий написан на понятном для Заказчика языке на русском и узбекском языках. В случае противоречий текст на Публичной оферты на узбекском языке будет иметь преимущественное значение.<br><br>11.3. Во всем ином, что прямо не предусмотрено настоящими Общими условиями, Стороны также будут руководствоваться действующим законодательством Республики Узбекистан, применимом к условиям настоящей Оферты.<br>11.4. Признание судом недействительности какого-либо из положений настоящего Договора-оферты не влечет за собой недействительность остальных положений. | 11.1. Мазкур Умумий шартларда ҳавола қилинган қоидалар ва шартларни тушунтирувчи веб-сайт бўлимлари, шунингдек, веб-сайтнинг бошқа бўлимлари мазкур Умумий шартларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.<br>11.2. Мазкур Умумий шартлар Буюртмачи учун тушунарли тилда рус ва ўзбек тилларида тузилган. Оммавий офертанинг ўзбек тилидаги матни билан рус тилидаги матни ўртасида тафовутлар мавжуд бўлган тақдирда, ўзбек тилидаги матн устувор юридик кучга эга бўлади.<br>11.3. Мазкур Умумий шартларда бевосита назарда тутилмаган барча бошқа масалаларда Томонлар мазкур Оферта шартларига нисбатан қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.<br><br>11.4. Суд томонидан мазкур Оферта-Шартноманинг бирор-бир қоидаси ҳақиқий эмас деб топилиши унинг бошқа қоидаларининг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. |